

ISSN
2181-2128

2022
II SON



"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"
илмий электрон журнали

"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"
научно-электронный журнал

"LOGISTICS AND ECONOMY"
scientific-electronic journal

www.economyjournal.uz

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатига киритилган.

Олимжонов З.З.	Давлат қарзларини самарали жойлаштириш орқали миллий иқтисодийни ривожлантириш истиқболлари	347
Омонов А.А. Абдуназаров Ш.А.	Жисмоний шахсларни кредитлашнинг эконометрик таҳлили	354
Орзуқулова З.А.	Ўзбекистонда транспорт-логистика соҳаси: бугунги ҳолати, муаммолар ва уларнинг ечимлари	361
Пардаев А.Х. Пардаева З.А.	Корхона молиявий натижаларининг стратегик бошқарув ҳисоби	370
Пардаева Ш.А.	Стратегик бошқарув ҳисобининг ахборот таъминотини такомиллаштириш йўналишлари	377
Рабимқулов Ш.М.	Инвестицион кредитлар самарадорлиги таҳлили, муаммолар ва уларнинг ечимлари	387
Ражабова Д.А.	Аҳоли молиявий саводхонлигини оширишнинг аҳамияти ва унда хориж тажрибаси	398
Рахимов Ж.Ж.	Внедрение экономической кластеризации в индустрии туризма Узбекистана	403
Рашидов Д.Н. Махмудов Т.А.	Ўзбекистонда инклюзив меҳнат бозори истиқболлари: аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захиралаш: ҳолат, муаммолар ва таклифлар	411
Саипназаров Ш.Ш.	Тижорат банклари фаолиятида молиявий инжинирингнинг роли	420
Саиткамоллов М.С.	Жаҳонда иссиқлик энергетикасини ривожланиш йўллари	428
Синдаров Ш.Э.	Совершенствование процесса организации и проведения инвентаризации	437
Табаев А.З.	Қишлоқ хўжалигига органик ўғитлар етказиб беришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари	448
Талипова Д.Н. Акрамова Н.А.	Сабзавотчилик маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги ҳолатининг 2025 йилгача бўлган прогнози	454
Тожиев Р.Р.	Банкларда ликвидликни бошқаришнинг инновацион стратегиясини такомиллаштириш	459
Усмонов К.А.	Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб масалалари	467
Хажиева Н.Д.	Иқтисодий ривожлантиришда ахборот коммуникация технологиялари соҳасида кластер фаолиятининг аҳамияти	473
Хайтбоева Н.Б.	Тўқимачилик саноат корхоналарида маркетинг стратегиясидан фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари	482
Холбоев А.Ю. Холматов С.Н. Хотамов И.С. Касимов А.А.	Информационные риски и методы их страхования Ипотечное страхования и новые методы воздействия "Саноат-4.0" – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш локомативи	490 496 502
Худайберганов Д.Т.	Товарлар ва хизматлар бозорида рақамли платформаларни шакллантириш имкониятлари	510
Ҳамраева Ф.Ш.	Иқтисодий ўзгаришлар шароитида мажбурий суғуртанинг ўрни	516
Эрхонова М.А.	Қишлоқ хўжалигида биологик усулда кураш тизимининг иқтисодий самарадорлиги ва уни аниқлаш кўрсаткичлари	524
Юлдашева Н.А.	Саноат корхоналарини бошқаришда инновацион ривожланиш стратегиясини баҳолашни шакллантиришнинг услубий масалалари	532
Юсупова Ф.Й.	Лизинг муносабатларини ривожлантиришда рақамли маркетинг стратегиялари	543
Юсупходжаева Г.Б.	Цифровая экономика: сущность явления, проблемы и риски формирования и развития	550



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОРГАНИК ЎҒИТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ

доцент, Табаев А.З.

"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университети

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиғига органик ўғитлар етказиб беришнинг ҳозирги ҳолати ёритилган. Соҳага органик ўғитларни етказиб бериш билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартаф этиш йўллари бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: агрокимё хизматлар, агрокластерлар, органик ўғит, маҳаллий ўғит, истеъмол кооперативи, субсидия, кўкатли ўғитлар.

ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC PROBLEMS SUPPLY ORGANIZATIONAL IMPROVEMENT IN AGRICULTURAL ECONOMY

Associate Professor Tabaev A.Z.

"Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers" National research university

Annotation: The article reveals the current state of providing agriculture with organic fertilizers. The problems of providing the industry with organic fertilizers are considered and recommendations for their elimination are given.

Key words: agrochemical services, agrocluster, organic fertilizers, subsidies, natural fertilizers.

1. Кириш.

Аграр соҳанинг ривожланиши ер ресурсларидан самарали фойдаланиш билан узвий боғлиқдир. Мамлакатимизда тупроқ унумдорлигини оширишдаги асосий муаммолардан бири тупроқда қишлоқ хўжалик экинлари учун зарур бўлган озик моддалар миқдори ҳаракатчан фосфор, алмашувчан калий ва гумус (чиринди) миқдори белгиланган меъёрдан анча паст эканлиги кузатилди. Тадқиқотлар натижасида Республикаимизда қишлоқ хўжалиғи экинларининг минерал ўғитларга бўлган илмий асосланган талаби ўрганилганда, 2020 йил ҳолатига азотли ўғитлар 1019,4 минг тонна, фосфорли ўғитлар 720,7 минг тонна ва калий ўғитлар 358,8 минг тоннани ташкил қилган бўлса, амалда эҳтиёж азотли ўғитларда 40,5 фоизи, фосфорли ўғитларда 79,2 фоизи ва калий ўғитларда 81,9 фоизи таъминланмаган.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиғига минерал ўғитлар етказиб бериш тизимли равишда яхшиланаётган бўлса, органик ўғитларни етказиб беришда муаммолар кўлами ортиб бормоқда. Ердан фойдаланишда тупроқ унумдорлиги бўйича олинадиган ҳосилнинг мутаносиблиғига эришилса, ҳозирги ютуқларимизнинг салмоғи 1,5-2 ҳиссагача ошади.

Деҳқончилик тарихидан маълумки, деҳқончилик доим чорвачилик билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Яъни, деҳқончилик чорвачиликни ем-хашак билан таъминласа, чорвачилик деҳқончиликни озика элементлари билан таъминлайди. Лекин, охириги йиллардаги чорвачиликни ривожланиш тенденциясининг пасайиб бориши қишлоқ хўжалиғи ерларни органик ўғитлар билан мунтазам озиклантириш каби муаммонинг юзага келишида бош омил бўлиб қолмоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларининг унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган органик ўғитлар билан мунтазам равишда таъминлашни яхшилаш иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигига сервис хизмати кўрсатишда хусусий тадбиркорлик субъектларига катта имкониятлар яратиш ҳамда кооперация муносабатларини жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига органик ўғитлар етказиб бериш бўйича агрокимёвий хизматлар кўрсатишдаги муаммоларни бир қатор олимлар ўрганиб чиқдилар ва илмий тадқиқот ишлари натижаларини ўзларининг асарларида кенг ёритдилар.

Умурзақов ва Тошбоевлар (2008) тадқиқотлари натижасида “Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳажми ва сифатини яхшилашда турли тадбирлар ўтказилиб, амалиёт синовидан ўтмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, чорва моллари кам бўлган ҳудудларда кўкат ўғитлардан органик ўғит сифатида фойдаланиб келинмоқда”, деган хулоса билан органик ўғитлардан фойдаланиш ва уни кўпайтириш йўллари ёритиб беришган.

Саматов ва бошқалар (2012) қишлоқ хўжалигида маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни энг муҳим омил сифатида баҳо бериб “Далалардан мунтазам юқори ҳосил олишга имконият яратувчи омиллардан бири – “тупроқ унумдорлигини ошириш” учун ерларни шудгорлашдан олдин ерга маҳаллий ўғитлар солишдир” - деган хулоса беришган.

Мусаев (2001) “Органик ўғитлар (гўнг) билан тупроққа маълум миқдорда микроэлементлар келиб тушади, қайсики, микроўғитлар қўллаш муаммосини осонликча ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга” деб фикр билдирган.

Муҳаммадиев (2005) органик ўғитларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш технологияси ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларни тўлиқ сақлаб қолиш ва уларни ўсимликларга сингадиган ҳолатда бўлишини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўғитлар таркибида бўладиган бегона ўсимликлар уруғларини тўлиқ нобуд қилишни таъминлаши кераклигини таъкидлаб ўтган.

Алиевнинг (2021) “органик ўғитлар билан 15-20 т/га фосфогипсни қўллаш тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилини ошириш билан бир қаторда, толанинг сифат кўрсаткичларини ҳам яхшилайти” деган хулосаси муҳим аҳамиятга эга.

Жуков ва Попов (1988) ўғит тизимларининг турли хил тупроқларда чиринди таркибидаги ўзгаришларга таъсирини ўрганиш натижасида минерал ўғитлардан фойдаланмасдан ҳам, фақат минерал ўғитлар киритилганда, чиринди миқдори 5-10 йилдан кейин сезиларли даражада камайишини таъкидлашган.

Томпсон ва Трой (1962) компост янги гўнгдан фарқли ўлароқ, ўсимликлар ва атроф-муҳитга зарар етказмасдан қўлланилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган.

Юқоридаги тадқиқотчилар томонидан берилган хулоса ва таклифларга асосан, қишлоқ хўжалигини органик ўғитлар билан таъминлашдаги мавжуд муаммоларни илмий асосланган ҳолда ечимини топиш муҳим бўлиб, уларни бартараф этиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида адабиётларни танқидий қилиш, мантиқий мушоҳада юритиш, олинган маълумотларга ишлов бериш жараёнида анализ ва синтез, таққослаш, иқтисодий таҳлил усулларида кенг фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Органик ўғитларнинг тупроқ унумдорлигини тиклашда, минерал ўғитларнинг самарадорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда уларнинг ўрни юқори. Органик ўғитлар таркибида ўсимлик учун зарур барча озиқа моддалари, жумладан, азот (0,4-0,6%) , фосфор (0,2-0,3%) ва калий (0,5-0,6%), бундан ташқари, макро ва микро элементлар (бор, марганец, кобальт, мис, қўрғошин ва бошқалар) ва углерод бўлгани учун қиммат ўғит ҳисобланади.

Ҳисоб-китоблардан маълумки, бир гектар суғориладиган ер ҳисобига 3 бошдан йирик шохли қорамол боқилса ва уларнинг гўнги йил давомида йиғилиб чиритилиб ерга солинса, ўсимликларни маъдан ўғит билан озиқлантиришга ҳожат қолмайди. Чунки, белгиланган миқдордаги чорва молларининг гўнги ҳар йили бир гектар ерга 30-40

тонна чириган гўнгни солиш имкониятини яратади. Бу миқдордаги гўнг таркибидаги маъдан озика элементлари экинларни озиклантириш учун етарли бўлади.

Амалда экин майдонларига маҳаллий ўғитлар чорвачилик, паррандачилик комплекслари, аҳоли хонадонлари ва бошқа ижтимоий объектлардан юк автомобиллари, трактор ва фекаловозлар ёрдамида ташиб келиниб, тўғридан-тўғри далага чиқарилмоқда. Натижада экин майдонларида бегона ўтларнинг кўпайиши, турли касалликларнинг тарқалиши ҳолатлари кузатишмоқда. Бундай салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида экин майдонларига чиритилган маҳаллий ўғит чиқариш ва жойларда компост тайёрлашни ташкил этиш лозим.

Компост тайёрлаш фермер хўжаликларида амалга оширилиши мумкин. Чорвачиликдан олинадиган органик ўғитлар дала бошида ёки махсус зовурларга ташилади, талабга қараб минерал ўғитлар аралаштирилади ва устани ёпик ҳолда бир йил муддатга сақланади. Экинларни озиклантириш даврида ҳар бир контурдаги картограмма маълумотлари бўйича органик ўғит берилади. Компост далага трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини тиркама усулида сепилади. Тайёр компост шарбат усулида ҳам ишлатилади. Компост тайёр мослама ёки сув йўллари уюмларида намланади ва агатларга сув юбориш орқали ўсимликка берилади. Сув орқали озиклантириш самараси юқори бўлиб, сарф харажатлар тежалади ва экология бузилишига йўл кўйилмайди.

Гўнг ва бошқа органик чиқиндилардан экин экиладиган далага яқин бўлган жойларда эни 3-3,5 м, бўйи 5-6 м, чуқурлиги 1,2-1,5 м сиғимда махсус хандак (ўра) ларда тайёрланади ва 3-4 ойдан кейин компост ишлатишга тайёр ҳолга келади. Компост тупроқ унумдорлигини оширади, гумус миқдорини кўпайтиради, тупроқдаги намликни яхши сақлайди, компост етилиш жараёнида турли бегона ўт уруғлари нобуд бўлади.

Ҳозирги вақтда фермер хўжаликларида дехқончилик бир томонлама ривожланаётганлиги сабабли асосан маъдан ўғитлар қўлланилиб, гўнг жамғариш ва уни ерга солишда номуносиблик содир бўлмоқда. Агар фермерларимиз ҳам чорвачиликни, ҳам дехқончиликни бир-бирига муносиб ривожлантиришга эришсалар ердан олинадиган ҳосил билан тупроқнинг табиий унумдорлигига боғлиқ равишда юқори иқтисодий самарадорликка эришиш билан бирга табиатимиз мусаффо, тупроғимиз тоза ва унумдор бўлиб, табиий ва моддий бойликлар самарадорлигини ортиши юзага келади.

Органик ўғитлар таркибида азот, фосфор, калий, кальций ва ўсимликларни озиклантириш учун керак бўлган бошқа элементлар, шунингдек тупроқ хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатадиган органик моддалар мавжуд. Органик ўғитлар таркибида азот, фосфор ва калий миқдори минерал ўғитлар таркибидагига қараганда камроқ бўлади, шунга кўра уларни узоққа ташиб бўлмайди, тўпланган жойидан олиб фойдаланилади ва шунинг учун ҳам маҳаллий ўғитлар деб ҳам юритилади. Ўрта ҳисобда 1 гектарга 15-20 тоннадан гўнг солиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳудуддаги мавжуд техникаларни йил давомида бир меъёрга ишлашни таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан қабул қилинган режага мувофиқ, ўртача суғориладиган ер майдони учун 5 тоннадан маҳаллий ўғит бериш белгиланган бўлиб, шундан 1130 минг тонна компост тайёрланиш режалаштирилган. Йил давомида 645 та транспорт трактори билан 882792 тонна маҳаллий ўғитлар ташиб бериш ва унга 1831,8 тонна дизель ёқилғиси сарфланиши кўзда тутилган (Табаев, 2007).

Агрокимё лабораторияларининг таҳлил натижаларига кўра йирик шохли корамолнинг гўнгида умумий азот миқдори ўртача – 0,54 фоиз, шундан: аммиакли – 0,7 фоиз, фосфор – 0,28 фоиз, калий – 0,6 фоиз, органик озиклар – 21 фоиз, сув – 65 фоиз.

Илмий-тадқиқот маълумотларига қараганда, гўнгнинг ўртача меъёри (гектарига 20 – 30 тонна) биринчи йили ерга солинганда ҳосилдорликни ўртача ҳисобда гектарига дон экинларида 6-7 ц, картошкада 60-70 ц, илдимевалилар ва силосбоп экинларда 150-200 ц га оширади. Ўсимликлар биринчи йили гўнг таркибидаги умумий фосфорнинг тахминан 30-40 фоизини ва калийнинг эса 60-70 фоизини ўзлаштиради.

Олдимизда турган асосий муаммо органик ўғитни ўз вақтида йиғиб, ундан сифатли компост тайёрлаб қишлоқ хўжалигига етказиб беришдан иборатдир. Биз аввало Республикада мавжуд бўлган органик ўғит ҳажмини аниқлаб олишимиз керак. Шунда уни талаб ва таклиф асосида таъминлаш ва ундан компост тайёрлаш мумкин бўлади.

Органик ўғит ҳажмини аниқлашда икки хил усулда ҳисоблаш мумкин. Биринчиси статистик маълумотлар билан, иккинчиси норматив ҳисоб-китоблар билан аниқланади.

Меъёрий кўрсаткичлар асосида органик ўғитни хар бир хайвонот тури бўйича бир кунлик гўнг ва уни таркибидаги минерал ўғит миқдори асосида ҳисобланади.

Чорвачликдан чиқадиган гўнглardan тўлиқ фойдаланиш ва органик – минерал моддалардан ортиқча фойдаланганда тупроқнинг ифлосланишини олдини олиш учун мавжуд фермалардан гўнг билан қанча ерни органик ўғит билан таъминлашни, қуйидаги формула ёрдамида топиш тавсия этилади:

$$П = \frac{0,9 \cdot A \cdot Г}{20};$$

бу ерда П – суғориладиган ер майдони, га; А – гўнгдаги азот миқдори, %; Г – йиллик чиқадиган гўнг миқдори, т/га; 0,9 – гўнгни сақлашда йўқотиладиган азот миқдорини ҳисобга олувчи коэффициент; 20 - ўлчовсиз коэффициент (гўнгдаги азотнинг ўртача йиллик меъёри $100 \cdot 0,2 = 20$ ифода билан топилган) (Умурзоқов, 2008).

Берилган меъёр орқали республикамиздаги мавжуд чорва моллари сонини кунлик гўнг чиқариш меъёрига кўпайтирилади ва бу йиғиндини бир йиллик (365 кун) кунлар сонига кўпайтирилса, йиллик меъёрий органик ўғит ҳажмини азот, фосфор ва калийнинг меъёрий кўрсаткичига кўпайтириш йўли билан унинг таркибидаги минерал ўғитлар салмоғи аниқланади.

Республика қишлоқ хўжалигидаги мавжуд қорамоллар сонини бир суткалик ёки бир йилда чорвадан чиқадиган гўнг миқдorigа кўпайтириш йўли билан йиллик шартли органик ўғит миқдори аниқланади. Масалан, 2020 йилда республика бўйича йирик шохли қорамоллар сони 12745,5 минг бош бўлиб, йиллик гўнг миқдори 69781,613 минг тоннани ёки ундан чиқадиган азот миқдори 279126,452 тонна, фосфор 174454,033 тонна, калий эса 348908,065 тоннани ташкил этади (1-жадвал).

Республика қишлоқ хўжалиги учун йиллик зарур минерал ўғит ҳажмига нисбатан маҳаллий ўғитлардан олинadиган минерал ўғит ҳажмини ўргансак. Демак, азотнинг 79 фоизи, фосфорнинг 86,9 фоизи, калийнинг 85,6 фоизини органик ўғит ҳисобига қопланиши мумкин. Шунинг учун аввало чорва бош сонини кўпайтириб ихтисослаштирилган ҳолатда боқишни, йиғилган гўнглари ўз вақтида далага ёки ўраларга, махсус белгиланган жойларда компост тайёрлаш йўлга қўйилса, ўғит миқдorigа ҳосил миқдори ортиб унинг сарф харажатлари кескин камаяди.

Лекин, асосий чорва молларининг уй хўжалиги шароитида парвариш қилиниши, олинган маҳаллий ўғитнинг катта қисми уй хўжалигининг ер майдонларини озиклантиришга сарфланиши ёки ёқилғи сифатида ишлатилиши натижасида, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг эҳтиёжи учун кам миқдорда етказилмоқда.

1-жадвал.

Республикада етиштириладиган маҳаллий ўғит ҳажмининг аниқланиши (2020 йил 1 январь ҳолатига)¹

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Чорва моллари тури		
			Йирик шохли қорамол	Қўй ва эчкилар	Паррандалар
1	Республикада мавжуд чорва мол (парранда)лари сони	минг бош	12745,5	21637,5	83774,1
	шу жумладан, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	минг бош	685,5	2556,6	12050,8
	Фермер хўжаликларида	минг бош	11905	18003,8	50316
	Бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида	минг бош	155	1077,1	21407,3
2	1 бош чорва (парранда) дан 1 суткада олинadиган гўнг миқдори	Кг	15	1	0,02
3	1 бош чорва (парранда) дан 1 йилда олинadиган гўнг миқдори	Кг	5475	365	7,3
4	Барча чорва (парранда)дан олинadиган жами гўнг ҳажми	минг тонна	69781,613	7897,688	611,511
5	1 тонна гўнгда минерал ўғит меъёри				
	Азот	Кг	4	8	34
	Фосфор	Кг	2,5	2,5	16
	Калий	Кг	5	7	8

¹ Муаллиф илмий-тадқиқот ишлари асосида ишлаб чиқилган.

6	Жами гўнгдаги минерал ўғит ҳажми				
	шу жумладан, азот	тонна	279126,452	63181,504	20791,374
	Фосфор	тонна	174454,033	19744,22	9784,176
	Калий	тонна	348908,065	55283,816	4892,088

Тадқиқот объекти сифатида Сирдарё вилояти фермер хўжаликларига агрокимё хизматлари кўрсатишнинг ҳолатини ўрганиш мақсадида олиб борилган сўровнома натижасига кўра, органик ўғит (компост) етказиб беришдаги мавжуд муаммо сифатида 47,1 фоизи гўнг миқдорининг етишмаслигини, умумий камомад талабга нисбатан 62,9 фоизлигини, мавжуд органик ўғитни сотиб олиш учун молиявий маблағларнинг етишмаслигини 66,1 фоиз респондентлар кўрсатиб ўтган.

Шунинг учун бу муаммони ҳал этиш учун, аввало, маҳаллий ўғит миқдорини ошириш, шунингдек, молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар бериш ва субсидиялар ажратиш тизимини такомиллаштириш зарур.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш қобилиятига асосланган, шерикларнинг ўзаро манфаатларига ва агрокимёвий хизматлар тизимининг ҳар бир йўналиши бўйича самарали якуний натижаларга эришишга асосланган иқтисодий интеграция механизми моделини ишлаб чиқиш керак.

Буни амалга ошириш учун биз агрокимёвий хизматлар корхоналари, юқори сифатли органик ўғитлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини тайёрлаш учун хом ашё етказиб берувчилар билан истеъмолчиларни уюшмага бирлаштириш моделини таклиф қиламиз. Яъни, чорвачилик корхоналари билан пахтачилик ва ғаллачиликка ҳамда мева-сабзавотчилик ихтисослашган қишлоқ хўжалиги корхоналари билан бевосита уюшмалар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир (1-расм).



1-расм. Агрокимёвий хизмати кўрсатувчи корхоналарни билан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини органик ўғит билан таъминлаш бўйича ушмасига бирлаштириш модели²

5. Хулоса ва таклифлар.

Бунда бир томондан фермер хўжаликлари билан иккинчи томондан чорвачилик корхоналари манфаатларини шакллантириш лозим. Бунда фақат ҳудудлар кесимида ҳосил бўлиши мумкинлигини кўриш мумкин, чунки маҳаллий ўғитларни узоққа ташиш иқтисодий жиҳатдан самарали эмаслиги маълум. Маҳаллий ўғит етказиб берувчи чорвачиликка ихтисослашган корхоналарга пахта ва ғалладан бўшаган ерлардан

² Муаллиф илмий-тадқиқот ишлари асосида ишлаб чиқилган.

мавсумий мақсадларда фойдаланиб, озуқа муаммосини ҳал этиш имконини бераётгани томонларга самарадорликни ошириш имконини бермоқда. Натижада уюшма аъзоларига мафаатли ҳамкорликда устиворлик бериш орқали уюшма янада мустаҳкамланади. Бундан келиб чиқадики, уюшманинг шаклланиши, асосан, ташкилий жиҳатдан, уюшма аъзоларини тенг ҳуқуқли бошқариш асосида аҳамиятлидир.

Бундай шароитнинг янги ишбилармонлик муҳитида агрокимёвий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, бизнинг фикримизча, бир неча йўналишда бўлиши керак:

- тупроқ унумдорлигини ошириш дастурларини амалга ошириш учун чорвачилик корхоналари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўртасида горизонтал интеграцияни ривожлантириш;

- йирик чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари негизида юқори сифатли органик ўғитлар (компостлар) тайёрлаш ва улардан фойдаланиш бўйича тизимли тадбирлар ташкил этиш. Бундан ташқари агрокимё хизмати корхоналари билан бир қаторда органик ўғит етказиб берувчилар, шу жумладан деҳқон хўжаликлари ҳам интеграция жараёнида иштирок этишлари мумкин;

- йирик чорвачилик мажмуалари негизида органик ўғитлар ишлаб чиқариш ва қўллашда хўжаликлар, уюшмалар ёки истеъмол кооперативлари ташкил этилишини таъминлаш каби йўналишларни ўз ичига олиши лозим.

Адабиётлар / Литература/Reference:

Umurzoqov O'.P., Toshboyev A.J. (2008) Qishloq xo`jaligi iqtisodiyoti va menejmenti. O`quv qo`llanma, T.: Iqtisod-Moliya, 268-бет. / Umurzoqov O'.P., Toshboyev A.J. (2008) Agricultural Economics and Management. Textbook, T.: Economics and Finance, p. 268.

Алиев Ж. (2021) "Фосфогипс ва органик ўғитлар қўлланилганда пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари (С-6524)", Агро Илм журнали 2-илова, [72]. / Aliev J. (2021) "Technological quality indicators of cotton fiber when using phosphogypsum and organic fertilizers (S-6524)", Journal of Agro Science, Appendix 2, [72].

Жуков Л.И., Попов П.Д. (1988) Регулирование баланса гумуса в почве. - М. Госагропромиздат. С. 40. / Zhukov L.I., Popov P.D. (1988) Regulation of humus balance in soil. - M. Gosagropromizdat. Page 40.

Мусаев Б.С. (2001) "Агрокимё" Дарслик. Т.: "Шарқ" НМАК, 320 бет. / Musaev B.S. (2001) "Agrochemistry" Textbook. T.: "Sharq" NMAK, 320 pages.

Мухаммадиев Б.Қ. (2005) «Ширкат ва фермер хўжаликларида органик ҳамда минерал ўғитлардан фойдаланиш», Рисола Т.: "Янги аср авлоди", 68-бет. / Muxammadiev B.Q. (2005) "Use of organic and mineral fertilizers in companies and farms", Risola T.: "Yangi asr avlodi", p.68.

Саматов Ғ.А., Русатова И.Б. ва Шерипбаева У.А. (2012) Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Дарслик. Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 240-бет. / Samatov G'.A., Rusatova I.B. and Sheripbaeva U.A. (2012) Agricultural Economics and Management. Textbook. T.: Cholpon Publishing House, p.240.

Табаев А.З. (2007) "Фермер хўжаликларида агрокимё хизмати курсатишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йуллари" Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий-амалий анжумани маърузалар туплами, II-кисм, 15-17 март, Тошкент 2007 йил, 198-200 бетлар. / Tabaev A.Z. (2007) "Ways to increase the economic efficiency of agrochemical services to farmers" Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan Proceedings of the Republican Scientific-Practical Conference of Postgraduate, Doctoral Students and Researchers, Part II, March 15-17, Tashkent 2007, 198- 200 pages.

Томпсон Л.М., Трой Ф.Р. (1962) Почвы и их плодородие. Перевод с англ. Э.И. Шканде. - М.; Колос, С. 462. / Thompson L.M., Trow F.R. (1962) Soils and their fertility. Translation from English. E.I. Shkande. - M.; Kolos, pp. 462.

Умурзоқов Ў.П. (2008) Фермер хўжалиги иқтисодиёти, Ўқув қўлланма, Т.: Iqtisod-Moliya, 232-бет. / Umurzoqov O'.P. (2008) Farm Economics, Textbook, T.: Economics and Finance, p.232.

